2006 YIL 24 FEVRAL, JUMA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 26 (7.019). Sotuvda erkin narxda

## Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала

**_–Ҳадемай, яна юртимиз боғ-роғларга бурканадиган бўлди, – дейди Пахтаобод туманидаги собиқ Олим Қурбонов номли ширкат хўжалиги меҳнат фахрийси Абдухалил ота Раҳмонов. – Ишончимиз комил, бозорларимиз ўзимизнинг мева-чеваларимиз билан ҳозиргига қараганда тўкинроқ бўлади. Энди ўсиб келаётган авлод ота-боболари яратган ноз-неъматлар қадрига етадиган бўлишади. Шундай кунларга гувоҳ бўлаётганимдан ўзимни шу қадар бардам ҳис қиляпманки, Худо хоҳласа, бу эзгу ишга ўз ҳиссамни қўшаман._**

Ўзининг саксонинчи баҳорини қарши олаётган Абдухалил ота Андижоннинг олди боғбонларидан бири. У умргузаронлик қилаётган Уйғур қишлоғида бир вақтлар шундай боғлар бўлганки, айни пишиқчилик пайтида атрофдан одамлар бу ерга келишиб, роҳатланишар

## “Шундай боғлар яратайликки...”

эди. Сўнгги йиллардаги бир ёқлама қарашлар Абдухалил ота қишлоғидаги боғларни ҳам четлаб ўтмади. Аввал сабзавотчилик барҳам топди. Кейин эса боғлар шу қадар устомонлик билан йўқ қилиндики, қишлоқ аҳли мева-чева учун бозорга қатнайдиган бўлиб қолди.

Ҳафта бошида хўжаликда тендер танловлари бўлиб ўтди. Отахон беш гектар ернинг (боғ дейишга тилинг бормайди) эгаси бўлди. Аралаш-қуралаш боғни бир гўзал бўстонга айлантиришга аҳд қилган бу инсоннинг қувончи шу қадар жўшқинки, минг кишилик даврада ер эгаси бўлишга мададкор бўлган Президентимиз ҳақига дуо қилди. Отахоннинг бу дуосига даврадагиларнинг барчаси бирдек қўшилишди.

Пўлатжон ота Мамадалиев ҳам меҳнат фахрийларидан бири. Шу кунгача қўлидан боғ қайчиси тушмаган бу отахон бир муддат аввал боғроғларнинг файзи кетаётганлигидан дили оғриётганлигини биз журналистларга тўкиб-сочган эди. Куни кеча Пўлатжон ота билан Хўжаобод туманидаги собиқ М.Мадиёров номли ширкат хўжалиги идораси олдида учрашиб қолдик. Энди отахоннинг кайфияти тамомила ўзгача. Ҳар гапида “хайрият, худоға шукр”, деган иборани айтишдан чарчамаяпти. Оддий боғбонликдан хўжалик раҳбари даражасига етган Пўлатжон ота меҳнат қилган чоғларда хўжаликда йилига 10 минг тонна мева, 5 минг тонна узум, 2 минг тонна сабзавот етиштириларди. Ана шу маҳсулотларнинг катта қисми хўжалик ҳудудидаги бир қатор қайта ишлаш корхоналари учун хом ашё эди. Айтсангиз, тилингиз куяди. Амалда хўжалик ўз ихтисосини бой бериб қўйганди.

Президентимизнинг айни шу соҳага дахлдор Фармони ва қарори кўплар қатори, хўжаободлик боғбону соҳибкорларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқармоқда. Бир парча ерга эга бўлсам, эл-юрт дастурхони учун ноз-неъмат яратсам, деган одамлар шу қадар кўп эканки, хўжаликни қайта ташкил этиш комиссияси дам олишсиз ишлаяпти. Бундай имкониятдан фойдаланиш ҳаракатига тушиб қолган инсонларнинг барчаси ҳали танлов ўтказилмасданоқ кўчат ташвишида бўлиб қолишди. Бозорларни айланиб, сабзавот уруғлари сарасини суриштираётган деҳқонлар эса бундан-да сероб.

Ўтган ҳафтада Андижон вилоятининг бир қатор туманларида фермерларнинг давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Бу маслаҳат кенгашларида одамларнинг ерга эгалик соғинчи шу қадар зўр эканлиги кўзга яққол ташланади. Ана шундай кўтаринки вазиятни сақлаб қолишгина эмас, уни янада қўллаб-қувватлаш ҳар бир мутасадди идора раҳбари олдига вазифалар қўяди. Сўзни бежиз мутасаддиларга бурмадик. Андижон томонларда боғдорчилик, узумчилик ва сабзавотчилик энг охирги даражадаги ишга айланиб улгурганди. Дафтарда бор-у, ўзи йўқ боғлар, токлар на юртга, на инсонларга бир чақалик наф бераётганди. Аксинча, йирик қайта ишлаш корхоналари барқарор хом ашё йўқлиги боис таназзулга, талон-тарожликка юз тутди. Даъвойимиз қуруқ бўлмасин: 130 минг тонналик қувват мавжуд бўлса-да, 2005 йилда атиги 19 минг тонна маҳсулот қайта ишланди. Бу ишлаб чиқариш қувватларининг 14,5 фоизидан фойдаланилди, дегани бўлади.

Тўғри, соҳада бошланган туб ислоҳот бирдан юз кўрсата олмайди. Сабаби, эскича қарашларни бирдан йўқ қилиш қийинга ўхшаяпти. Аҳоли сонининг зичлиги ва, айни пайтда, мамлакат миқёсида энг оз боғ-роғ ва сабзавот майдонига эга бўлган Андижонда иккиланишлар ҳам йўқ эмас. Бундай иккиланишларнинг юзага келишига сабаб нима, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Андижонда режадаги 310 минг тонналик пахта хирмони яратиш учун ер етарли. Шунга қарамасдан, тугатилаётган 12 та мева-сабзавотчиликка ихтисослашган ширкат хўжаликларида тайёрланган лойиҳаларда пахта-ғалла яна сақлаб қолиняпти. Бу хўжаликларнинг учтаси ерлари текис жойларда, қолганлари эса қир-адир ва дарё ўзанларига жойлашган бўлиб, пахта етиштириш ҳеч қачон наф бермаганлигини мутасадди ҳам, деҳқон ҳам беш қўлдек билади.

Шу ўринда иккита мисол келтирсак, сиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиласиз. Жалақудуқ туманидаги “Гулбаҳор” ширкат хўжалигида 2005 йили 147 гектар майдонга чигит экилганди. Ҳосилдорлик режа бўйича 12,8 центнер қилиб белгиланган. Ҳақиқатан бу кўрсаткич 13,2 центнер бўлди. Таннархини айтишга тил айланмайди. Хўжаликнинг дебиторлик қарзи 8 миллион, кредиторлик қарзи 508 миллион сўмни ташкил этди.

Хўш, адирда боғ-роғ ўрнига пахта етиштириш фойда келтирармикин? Хўжаликнинг бугунги қарзини узишни ким зиммасига олади? Демак, бу қарзлар ер елкасига тушади. Шундай шароитда хўжаликда пахта-ғалла йўналиши бўйича 615 гектар майдон 15 та лойиҳа бўйича пахта-ғалла етиштиришга ажратилган. Бундай ҳолат Андижон туманидаги “Истиқлол”, Қўрғонтепа туманидаги Ш.Рашидов номли, Асака туманидаги Навоий номли, “Соҳибкор” каби собиқ ширкат хўжаликларида ҳам мавжуд. Бу ерларда пахта етиштириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлай олишига ким кафолат беради?

Андижон шаҳри аҳолиси учун азал-азалдан мева-сабзавот етиштириб бераётган Охунбобоев номли ва Чўлпон номли ширкат хўжаликлари экинзорлари шу қадар қисқариб кетганки, амалда бу ерларда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳатто бозорни ҳам тўлдира олмайди. Қолаверса, ҳар икки хўжалик энг йирик қайта ишлаш корхоналарига бир қадам. Ҳар икки хўжаликда ҳам пахта бўйича лойиҳалар мавжудки, одамлар бирбирига елка қисишяпти. Дарвоқе, ҳар икки хўжаликда аҳоли сонига нисбатан экин майдонлари шу қадар чегараланганки, бу зичлик табиий тарзда ишсизликнинг мавжудлигидан хабар бериб туради. Муаммо устига муаммо ясаш ким учун керак бўлиб қолди? Боз устига, ҳар икки хўжаликда на чигит экадиган сеялка, на ишлов берадиган техника бор.

Тугатилган пахта-ғалла йўналишидаги 81 та ширкат хўжаликларида боғ-роғлар танлови охирлаб боряпти. Битта майдонга 5-10 тагача талабгорнинг борлиги талаб-эҳтиёжнинг амалдаги кўриниши эмасми? Андижон туманидаги “Гулистон” хўжалиги ҳам тугатилиб, унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилди. Боғ танловида иштирок этиб, бир гектар олма боққа эга бўлган меҳнат фахрийси Умаржон Исмоилов қувончини баён этиш билан бирга, фикр-мулоҳазаларини ҳам яширмади:

–Мен хўжаликда узоқ йиллар бош ҳосилот бўлиб ишладим. Оз эмас, 160 гектар боғимиз бор эди. Ўша боғлар бир қисмининг қатор ораларини кўпориб, чигит экишга ер қўшган бўлдик. Бундан ҳеч қандай наф кўрмадик. Аксинча, ўз меваларимиз ранги-рўйини, таъмини унутдик. Кўзимиз четдан келаётган мева-чеваларга қадалиб қолди. Пенсияга чиққанимдан буён ўзимни ўзим койийман. Қишлоғимиздан файз кетаётганлигига менинг ҳам “ҳиссам” борлигидан ачинаман. Яратганга беадад шукр. Президентимиз Фармони ва қарори кўзимизни мошдек очиб қўйди. Олган бир гектар олма боғимнинг номи бор, холос. Шундан бир боғ яратайки, гуноҳларимни ювиб, фарзандларим олдида юзим ёруғ бўлсин.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## Куннинг муҳим воқеалари

● Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишлаб 10 феврал куни ўтказилган мажлисида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Андижон вилоятида мамлакат Президенти соврини учун тадбиркорларнинг “Ташаббус-2006” кўрик-танлови туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган анъанавий “Ташаббус” кўрик-танловининг Нукус шаҳар босқичи якунланди.

● Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтида бўлиб ўтган илмий-амалий семинарда Ўзбекистон-Россия муносабатларининг янги имкониятлари муҳокама қилинди.

● Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Миллий Олимпия Қўмитаси ҳузуридаги аёллар ва спорт комиссияси ҳамда Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳамкорликда ўтказган республика семинари “Аёл ва спорт” мавзуига бағишланди.

● Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида самбо бўйича ташкил этилган халқаро турнирда иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар учта олтин, иккита кумуш ва учта бронза, жами саккизта медални қўлга киритди.

● Республика Олимпия захиралари коллежида ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича ўтган Ўзбекистон кубоги ва мамлакат биринчилиги баҳсларида 350 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Халқ Демократик партияси марказий кенгаши билан ҳамкорликда сиёсий етук электоратни шакллантиришга бағишланган давра суҳбати ўтказди.

● Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Орол денгизи ҳавзасининг Ўзбекистон қисми захира салоҳиятининг тақдимоти ўтказилди. Унда юртимиз ҳамда хорижий нефт ва газ компаниялари вакиллари иштирок этди.







Сирдарё вилоятида ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш ҳамда бошқа тадбирлар асосида ҳосилдорликни кўпайтириш учун кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Жанубий Мирзачўл каналининг ўнг тармоғи билан кесишган катта коллекторни унинг тагидан ўтказиб юбориш учун муҳим гидротехник иншоот ва бошқа дренаж тармоқлари барпо этилаяпти. Бу тадбирлар Оқолтин туманида 10 минг гектардан зиёд ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

СУРАТЛАРДА: 1. Гидромелиоратив экспедиция бошлиғи ўринбосари Мухтор Кугедиев ва экскаваторчи Абдусалом Ортиқов. 2. Экспедиция бош муҳандиси Раҳим Абдураззоқов. 3. Бунёдкорлик жараёнидан лавҳа.

**Б.АКРАМОВ олган суратлар.**

## Олий Мажлис Сенатида

**_Бугун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим аҳамиятга молик бўлган қатор масалалар ва қонунлар муҳокама қилинади._**

Кеча эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисда Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг ўтган даврда парламентнинг юқори палатаси бешинчи ялпи мажлисини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар ва маълумот учун қабул қилдилар.

Парламент юқори палатасининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда унинг Кенгаши, қўмита ва комиссиялари ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қўмиталар раислари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар бўйича хулосалар, бешинчи ялпи мажлисда кўриб чиқиш кўзда тутилган бошқа ҳужжатларнинг тайёрлиги ҳақида ҳисобот бердилар, ялпи мажлиснинг ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Янги қўшилган қонунчилик ҳужжатларини инобатга олган ҳолда Сенатнинг бешинчи ялпи мажлиси кун тартиби ишлаб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатаси Кенгаши ваколатига кирувчи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни муҳокама қилинди. Мазкур қонун муҳокамаси якунларига биноан тегишли хулоса қабул қилинди. Қўмита аъзолари бу қонунни бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун Олий Мажлис Сенати Кенгаши кўриб чиқишига тақдим этдилар.

Шу куни Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Қўмиталар йиғилишларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йилдаги фаолияти якунлари ва унинг Кенгаши, қўмита ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чоралари кўриб чиқилди. Шу билан бирга қўмиталар ва уларнинг аъзоларининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил этилиб, Сенатнинг мазкур қўмиталари томонидан 2006 йилда амалга ошириладиган тадбирлар режаси муҳокама қилинди.

Сенаторлар бешинчи ялпи мажлис кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган бошқа масалаларни ҳам муҳокама қилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмиталар тегишли қарорлар қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати матбуот хизмати**

## “Ипаклари тиллодан...”



### Мулоҳаза

## Соғлигимиз ўзимизга боғлиқ

**_Эрта тонгда яхши кайфият билан кўчадан ўтаётгандим. Қандайдир қўланса ҳид димоғимга урилди. Ўнгу сўлга қарадим._**

Икки томонимда ҳам баланд уйлар. Атрофи тозаланган, супуриб сидирилган. Йўлу ариқларда ахлат кўринмайди. Хонадонлардан бўлса бунақа ҳид чиқмайди. Қадам ташлаганим сайин негадир ўша ёмон ҳид кучаяверди. Бошимда оғриқ турди. Чамаси юз метр юрганимдан сўнг, деворга катта-катта ҳарфлар билан ёзилган қуйидаги ёзувга кўзим тушди:

“Илтимос, ахлат ташламанг! Ахлат ташлаганга 10000 сўм жарима”. Аммо ёзувга яқинлашиб борар эканман айнан унинг тагидаги чиқиндиларни кўриб ҳайрон бўлдим.

(Давоми 4-бетда)

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Россия Федерацияси “ГАЗ” марказининг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ - AVTODOM plus компанияси

50 хилдан зиёд автомобиль, микроавтобус, юк ва махсус автотранспортларни, жумладан, автофургонлар, ёнилғи ва сут ташиладиган автоцистерналарни сотади.

Ҳақ тўлаш – исталган усулда!



Маҳсулотлар сертификатланган

“ГАЗ-3309” (турбодизель) русумли автомашинага 4,5 тонна юк ортилади.

“ГАЗ-330232–Фермер” русумли автомашина 6 ўринли бўлиб, 1,5 тонна юк кўтаради.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГ АСОСИДА СОТИБ ОЛИШ ҲАМ МУМКИН!

Манзил: Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А- уй.

Тел.: (998-71) 132-10-35; 132-12-01; 132-03-62; 126-12-94.



## Фермерларга кўмакдошмиз

**_Кейинги вақтларда ширкат ва фермер хўжаликларида турли минерал ўғитларга, экинларни зараркунандалардан ҳимоялаш воситаларига талаб тобора ортиб бормоқда. Негаки, ҳозирги замонавий деҳқончилик шароитида етиштирилаётган ҳосилнинг эллик, олтмиш фоизи фақат минерал ўғитлардан самарали ва вақтида фойдаланиш ҳисобига олиниши ҳеч кимга сир эмас._**

### Инфратузилма

Шу сабабдан ҳам “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамияти ва унинг туманлардаги филиаллари ходимлари юқоридаги талаблардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларига, қишлоқ хўжалиги корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Бугунги кунга келиб вилоят “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамиятининг туманлардаги филиалларида мулк соҳибларига минерал ўғитлар таъминотини амалга оширувчи кўплаб шохобчалар фаолият юритмоқда.

- Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 январдаги “Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, жамиятнинг асосий вазифаси этиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни минерал ўғитлар билан таъминлаш ҳамда уларнинг талабларига мувофиқ шартнома асосида агрокимё хизматлари кўрсатиш белгиланган, - дейди Навоий вилояти “Қишлоқхўжаликкимё” акциядорлик жамияти раиси Муродулла Ҳакимов.

(Давоми 3-бетда)

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
“Пахта-Банк” - фаровонлигингиз кафолатидир!

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 514,8 ▼ - 1,2 | БЕНЗИН (80) 536,2 ▲ + 0,5 | БЕНЗИН (91) 600,6 ▲ + 10,0 | ДИЗ.ТОПЛИВО 399,1 ▼ - 0,1 | МАЗУТ 112,8 ▲ + 25,1 | СЖ.ГАЗ 225,2 ▲ + 80,1 | МАСЛО ХЛОПК. 887,3 ▲ + 19,2 | САХАР 782,2 ▲ +110,2 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 0,6 |

